



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажак  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 13 май, №102 (3214)

Сешанба

## «Мен ўзбек шоириман...»



Мамлакатимизда миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиёти йўлига бағишлаган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг кўплаб улғу фарзандлари номини тиклаш, қадрини эъзозлаш борасида амалга оширилган кенг қамровли хайрли ишларнинг самарасидир. Истиқлол йилларида номи муносиб равишда қадр ва эъзоз топган, хусусан, давлатимиз раҳбари Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири — атоқли ўзбек адиби, академик Фафур Гулом таваллудига 100 йил тўлди.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатимизда адиб юбилейига катта тайёргарлик қўрилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори қабул қилинди. Ана шу қарорга мувофиқ, Тошкентнинг Арпапов кўчасидаги Фафур Гулом уй-музеий қайта таъмирланди. Асарлари қайта нашр этилди. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисоалар босмадан чиқди. Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги адиб ҳайкаlining энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловда ўттиздан зиёд профессор ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарош ўзининг ижодий иши билан қатнашди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги хушманзара боғда энг муносиб деб топилган лойиҳа — ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ва архитектор Валерий Аюповнинг ижоди асосида Фафур Гулом ҳайкали қад ростлади. 10 май. Адиб ҳайкали ўрнатилган боғ байрамона безатилган. Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, шоирнинг мухлислари, жамоатчилик вақиллари, қариндош-уруғлари йиғилди. Соат 9.45. Тантана широкчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қараклар билан кутиб олди. Пойтахтимизда Ўзбеки-

стон халқ шоири Фафур Гуломнинг ҳайкали очилди-шига бағишланган маросимни Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шобураҳмонов очди. Сўз Президент Ислам Каримовга берилди. — Бугун Ўзбекистонимизнинг маданият ва маънавий ҳаётида катта бир воқеа, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугун халқимиз ўзининг сеvimли шоири, буюк адибимиз, академик Фафур Гуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда. Домла Фафур Гулом шахси, хотираси ва мероси ҳақида гапирганда, биз бу улғу инсонни, аввало, кенг, том маънода халқ шоири, деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди олдида бош этамиз. Халқимизнинг асл табияти, теран маънавиятини, орзу-интиҳи ва ишлари ва ҳақиқий ўзбеконати билан тафаккур билан ифода этган, адабиётимизнинг яқин тарихида камдан-кам топилган Фафур Гуломдай беназир ижодкор кўз ўнгимизда намоён бўлади. Уз сиймосида халқни халқ, миллатни миллат қилган эзу фазилят ва аломатларини муҷассам этган бу забар-

даст сўз санъаткори «Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман» деганида мутлақо ҳақ эди. Фафур Гуломни биз, авваломбор, Ўзбекистонимизнинг табаррук тупроғини жон-дилдан севган, ўз тақдирини она юрт тақдирини билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга баргини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айна пайтда буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этамиз, дед таъкидлади Юртбошимиз. Фафур Гулом ижодининг яна бир ажойиб қирраси — муқаддас Ватанимизни улғулашда, бепоен ўлкаимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғу тош ва дала-дашларига яшайдиган

одамлар қалбида она юртга муҳаббат ва гурур-ифтихор уйғотишда, айниқса, яққол кўринади. Уз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждон иши деб билган Фафур Гуломнинг шўро давридаги турли таъйиқларга қарамай, «Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир» дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг гуруримизга гурур, фаҳримизга фаҳр қўшади, албатта. Уйлайманки, унинг юртимизни, миллатимизни камситмоқчи бўлган айрим кимсаларга қарата, бизнинг аждодларимиз логарифманинг мураккаб масалаларини ҳал қилган пайтда, сизларнинг ота-бобонгиз ўн бармоқини ҳам санай олмасди, деган шеърини жавобини бугун ҳам кўпчилик яхши эслайди. Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлиб турган мустабиб дунёда мана шундай далил фикрларни айта олган буюк шоирнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилсак арзийди. Фафур Гулом ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, бу инсонга Худонинг ўзи ато этган яна бир хусусиятини — унинг табиятига хос бўлган юксак инсонпарварлик фазилятини, айниқса, қадраймиш, — деб сўзла давом этди мамлакатимиз раҳбари. — Миллатимизнинг қонига, суяк-суягига сингиб кетган бундай эзу туйғуларини зўр маҳорат билан баланд пардаларга қуйлаган бу улғу ватандошимизнинг ижоди шу боис ҳам жаҳоннинг жуذا кўп мамлакатларида шухрат қозонган. Фафур Гулом ўзининг «Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим» деган шафқат тўла сўзлари билан Иккинчи жаҳон урушида ота-онаси қолган, турли миллат ва эллата мансуб бўлган минглаб етим болаларнинг бошини силлаган ўзбек халқининг бағрикенглигини, чексиз меҳру саховатини бутун дунёга кўрсатиб берди, десак, ҳеч қандай мубадоға бўлмайди. Фафур Гуломдек буюк зотнинг ижодий мероси ҳақида, унинг беқиёс аҳамияти ҳақида кўп гапи-



риб ўтиришга ҳоҷат йўқ, деб уйлайман. Бунини шоир ижодининг мухлислари бўлган сиз азалар яхши биласиз. — Дед Юртбошимиз. — Бугун Фафур Гуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Ўзбекистонимизнинг олис-яқин барча жойларида адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз илмий анжуман ва мушоиралар, учрашув ва хотира кечалари ўтказиш орқали бу улғу инсонга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этмоқда. Шоир тугилиб ўсган, ўзи чексиз меҳр билан улғулаган асим Тошкент шаҳрида энг қиройли боғда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар билан доимо гавжум бўладиган гузал масканда қад ростлаган мана шу улғувор ҳайкал ҳам халқимизнинг Фафур Гулом даҳосига бўлган ҳурмат ва эҳтирмининг яна бир тимсолidir. Иллар, асрлар ўтади. Ишонманки, келажак авлодларимиз Фафур Гуломнинг ҳали кўп-кўп таваллуд тўйларини нишонлайди, — қайд этди Ислам Каримов. — Шубҳа йўқки, бу улғу зотнинг Ватанга салокат, ҳаётта, инсонга муҳаббат туйғуларини билан йўрилган бетакрор асарлари янги наслларнинг ҳам маънавий-руҳий шаклланишига, ёшларимизнинг камолотига хизмат қилади.

Фарзандларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт қириш ва шу ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшашда доимо ўзининг ижодий тасирини ўтказиб туради. Ва бу буюк шоир яқин тарихимизда яшаб ўтган ўнлаб маданиятимиз намоандалари қаторида ўзбек адабиёти ва санъатининг ёрқин машъали бўлиб қолади, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз, — деди Президентимиз пировардида. — Фафур Гуломнинг асарлари, номи ва хотираси боқий бўлсин. Давлатимиз раҳбари шоир ҳайкали қад ростлаган ушбу боғни Фафур Гулом номи билан аташ тақдирини билдириди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Фафур Гуломнинг қизи Олмас Аҳмедова, адибнинг ўғли Хондмир Гуломов, ёш шоир Иқбол Мирзо бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш, мустақамлаш, ривожлантириш, асраб-авайлаш ва улғулаш йўлида кўрсатаётган катта гамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Тадбир якунида Президентимиз Фафур Гулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. **Гулом МИРЗО, Ўза шарҳловчиси, СУРАТЛАРДА: тантаналардан лавҳалар, Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.**

## Боқий эҳтиром

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ шоири, академик Фафур Гулом таваллудининг юз йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу санага бағишлаб турли тадбирлар ўтказилмоқда. 10 май кунини Фафур Гуломнинг уй-музеий ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари, олимлар, жамоатчилик вақиллари ташриф буюрди. Юбилей муносабати билан адибнинг уй-музеий ҳам ўзгача кўрк кашф этди. Музей атоқли ижодкорнинг қайта нашр этилган асарлари, фотосуратлар билан бойитган. Бу ерга ташриф

буюрганлар зиёратни янги экспонатлар билан танишишдан бошлади. Ҳовлидаги Фафур Гулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйилиб, адиб хотирасига яна бир бор ҳурмат бажо келтирилди. Бу ерда устоз адибнинг адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, инсоний фазилятлари ҳақида гапирилди. \*\*\* Ўзбекистон Фанлар ака-

демиясида «Фафур Гулом ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мазмунда илмий анжуман бўлиб ўтди. Шоир таваллудининг юз йиллигига бағишланган мазкур анжуман Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда сўзга чиққанлар шоир ижодининг янги тадқиқ этилган қир-

ралари, асарларининг бадий қиммати, маънавий ва илмий аҳамияти ҳақида фикр юритди. Тарих саҳифаларидан XX аср ўзбек адабиётининг зарбарласт вақили сифатида ўрин олган Фафур Гулом ўзининг бетакрор асарларини билан маданиятимиз хазинасига бебаҳо улуш қўшган ижодкорлардан. Унинг «Сен етим эмассан», «Мен яҳудийман», «Согиниш», «Вақ», «Би-

либ қўйки, сени Ватан кутди» сингари шеърлари, «Едгор», «Шум бола», «Не-тай», «Менинг ўргинга болам» каби қиссаларини ҳикоялари, адабиётимизнинг нодир дурдоналарига айланган. Академик Фафур Гулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг танланган асарлари, ижодини тамомилда янгича қарашлар асосида тадқиқ ва тарғиб этувчи бир қанча илмий ҳамда илмий-омма-

боп рисоалар нашр этилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида эса «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» мавзуда адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда адибнинг шогирдлари, олимлар устозининг шеърини ва насрий ижоди, меҳрибон устозлиги, ўзбекона инсоний фазилятлари ҳақида гапирдилар. Унда Фафур Гулом ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саҳна ва кино асарларидан парчалар намойиш этилди. **Ў.А.**

Бугун пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «XXI асрда Марказий Осиё: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот» деб номланган Халқаро конференция ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, НАТО ва Фридрих Эберт номдаги Жамғарма (ГФР) конференциянинг ташкилотчиларидир.

## МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛАРИ

Марказий Осиё давлатлари ўз истиқлолига эришганларидан сўнг халқаро ҳамжамиятга фаол қўшилди ва дунёдаги геосиёсий кучлар ўртасидаги мувозанатга таъсир эта бошлади. Марказий Осиёнинг халқаро сиёсатдаги аҳамиятининг ошаётганлиги унинг табиий, энергетик ва минерал хомашё ресурсларига бойлиги, сезилари ишлаб чиқариш, илмий-техникавий салоҳиятга эгаллиги, геосиёсий жиҳатдан муҳим ҳудудда жойлашганлиги тўғрисида. Тошкентда ўтказилган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё ва Кавказни «улкан геостратегик ва геополитик, бой ресурслар жиҳат-

## Машъала йўлга чиқди

Эртага Хоразмда мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бошланади. Бу нуфузли тадбир машъаласи 11 май кунини эрталаб соат 9.00 да Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» институтида табиий кўёш нуридан аланга олдирилди. Машъалани республика олимпия заҳиралари спорт коллежининг 10-синф ўқувчиси, оғир атлетика бўйича Ўзбекистоннинг 9 карра чемпиони, Осиё чемпиони бухоролик Фуркат Саидов ёқди. Сўнгра машъала Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларидан ўтиб, Бухоро шаҳрига етиб келди. Бугун Бухоро марказидан йўлга чиққан табиий олов Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб шаҳар-қиш-

## Хоразмдаги байрам

«Умид ниҳоллари — 2003» республика мактаб ўқувчилари спорт мусобақаларининг ўтказиш бош штабидан муҳбиримиз Ойбек РАҲИМОВ хабар қилади: — Қадим Хоразм воҳаси аҳли катта байрам ва тантананинг бошланғичини — кўёшдан аланга олдирилган машъаланинг «Хоразм» спорт мажмуида ёндирилшининг иштироки билан кутмоқда. «Авесто» ватани, буюк алломалар юртида, мактаб ўқувчиларининг спорт байрамига катта тайёргарлик қўрилди. «Умид ниҳоллари — 2003» ининг очилғи маросимида 20 мингдан ортиқ хоразмликлар ва меҳмонлар қатнашадилар. Орзу-умидларимиз бўлган ёшларга — спортчиларга омад тилайдилар. Тантананинг очилишида халқимиз санъати, удуларини бадиий талқинда намойиш этилади. Тинчлик, дўстлик, ёшлик, шижоат, жасорат рамзи бўлади, бу спорт байрам. Спорт мусобақалари ўтказилаётган 17 та спорт иншооти ёшларни кутиб олишга ҳозирро нозир. Ана шу жойларда вуҷудларида боболаримиз шижоати жўш ураётган ёшлар куч синнашадилар, улкан имкониятларини намоён этадилар. Уларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, мусобақалардан сўнг ҳордиқ чиқаришлари, қадим Хоразм воҳаси билан танишишлари учун барча шарҳ-шароит яратилган. «Умид ниҳоллари» беллашувларига хоразмлик 186 нафар мактаб ўқувчиси ҳам спортнинг 12 тури бўйича қизини тайёргарлик қўрди. Улар ушбу анжуман олдидан Тошкент, Чирчиқ шаҳри, Бухоро, Андижон вилоятларига бориб куч синнашдилар, ўртоқлик учрашувини ўтказдилар. «Умид ниҳоллари — 2003» республика мактаб ўқувчилари спорт мусобақаларини ўтказиш бош штаби бошлиғи, виллоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Исмоиловнинг хабар беришига кўра, бу катта анжуманда 100 дан ортиқ журналист қатнашди ва воқеаларни матбуот, телевидение ҳамда радио орқали мунтазам ёритиб боради. Бундан ташқари, «Умид ниҳоллари — 2003» тўғрисидаги кундалик хабарлар рус ва инглиз тилларида Интернет орқали чет элларга ҳам тарқатилди. Ишончимиз комилки, ушбу спорт байрами фарзандларимиз ёлида умрбод қолди. Уларга доим куч-қудрат бағишлаб туради.

# МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

туриб, шундай деди: «Уйлайманки, Киплинг унчалик ҳақ эмас. Бизнинг бугунги форум, Европа ва Марказий Осиё вакиллари, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган Тошкент шаҳрида битта залда тўлган ва сай-ҳаракатларимизни халқларимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш истиқболларини биргалликда муҳокама этаётгани шундан далолат беради».

Минтақа давлатлари бир қатор ташаббуслар билан чиқди, ҳозирги замоннинг кўплаб муҳим ва глобал муаммоларини ҳал этишга имкон берувчи қатор халқаро тадбирлар уюштирилди. Бугунги анжуман шундай тадбирлардан яна биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти (СМТИ), НАТОнинг ахборот ва матбуот бўлими ва Фридрих Эберт номидаги Жамғарма (ГФР) конференциянинг ташкилотчилари ҳисобланади.

Ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги СМТИ ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма ўзаро мустақам шерикчилик алоқаларини ўрнатдилар. Жамғарма Ўзбекистонда демократия ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакат илмий салоҳиятини ўстириш, икки томонлама Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигини мустақамлаш ҳамда минтақавий интеграцияни такомиллаштириш жараёнида фаол ёрдам кўрсатмоқда. Ушбу масалаларнинг ҳал қилинишида НАТО ҳам доимий кўмак бериб келяпти.

Ўзбекистон — НАТО ўзаро манфаатли алоқаси Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига қўшилгандан кейин янада ривожланди. НАТОнинг Прагада бўлиб ўтган саммитида ушбу ташкилотнинг глобал таҳдид ва хавфларга қарши курашда конструктив позицияда турган Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро

ро ҳамкорлигини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Форумда АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Туркия, Эрон, Покистон, Канада, Афғонистон, Қозғоистон, Киргизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон каби дунёнинг йигирма мамлакатлардан юзга яқин таниқли олимлар, экспертлар, сиёсатшунослар, шунингдек, БМТ, Европа Иттифоқи, Европада Хавф-

минлаш бўйича АҚШ стратегияси ҳамда Россия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Хитой, Япония, Хиндистон, Покистон, Туркия, Эрон ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустақамлаш борасида олиб бораётган сиёсатларини кўриб чиқдилар.

Хавфсизликка, барқарорликка ҳудудий ва глобал таҳдидлар, транзитли таҳдидлар ҳамда дунёнинг қудратли давлатлар манфаат-


қадамларини муҳокама этиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, минтақа хорижий сармояларни жалб этиш йўлидаги иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш муаммолари ҳам муҳокама этилди. Шунинг билан бирга, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун лозим бўлган иқтисодий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Конференция иштирокчилари Марказий Осиё минтақасида интеграциялаш жараёнида истиқболнинг муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш лозимки, конференцияда халқаро экспертларнинг эътибори XXI асрдаги янги хавф-хатар, таҳдид ва муаммоларга қаратилади. Ҳудудий миқёсдан глобал миқёсга кўчган халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизмга қарши кураш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш муаммолари, наркотик моддалар ишлаб чиқариш, наркотрофик ва наркотик моддаларни ташқи шугул жумласидандир. Халқаро таҳдидчилар, сиёсатшуносларнинг Тошкент учрашувида Марказий Осиё минтақасининг сув ва энергетик ресурсларини бошқариш билан боғлиқ таҳдидларни бартараф этиш ва халқаро чоралар қабул қилиш масалаларига устувор аҳамият берилди.

Конференция иштирокчилари муҳокама қилган яна бир муҳим предмети минтақа мамлакатларида демократлаштириш, социал-сиёсий ислохотлар истиқболлари ва унда жаҳон ҳамжамиятининг роли ҳисобланади. Форумнинг яна бир вазифаси Марказий Осиёда ягона информацион муҳитни яратиш ва бу соҳада ҳудудий ҳамкорлик истиқболлари муаммоларини муҳокама этишдан иборат.

Ҳулоаса қилиб шунга айтиш мумкинки, форумда долзарб ва аҳамиятга молик кўплаб масалаларнинг муҳокама этилиши Марказий Осиё мамлакатлари олдига турган муаммоларнинг тўлароқ ечим топишига хизмат қилди.

**Бахтиёр КАРИМОВ,**  
профессор,  
Тошмуҳаммад  
СОТИБОЛДИЕВ.



Сизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, НАТО, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Халқаро кризис гуруҳи каби бир қатор халқаро ташкилотлар, дипломат ва журналистлар корпуслари вакиллари иштирок этиди. Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси вазирлари, илмий ва таҳлилий марказлари вакиллари, бир қатор олий ўқув юртли ректорлари қатнашини кутаяпти.

Конференция доирасида Марказий Осиё минтақасининг долзарб муаммолари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш кўзда тутилган. Жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги хавф-хатар, таҳдид ва муаммолар кўриб чиқилди.

Мазкур форумдаги муҳокама қилинган асосий мавзулардан бири Марказий Осиёда барқарорликнинг янги муҳитини шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилашдан иборат бўлди.

Анжуманда сиёсатшунослар Афғонистон ва Ироқдаги антитеррористик ҳаракатлардан сўнг Евроосиёда хавфсизликни таъ-

лари, уларнинг 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейинги Марказий Осиёдаги сиёсати, НАТОнинг терроризмга қарши курашдаги роли, минтақадagi қучлар баланси эволюцияси каби масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Конференция иши давомида Буюк Ипак йўлини тиклаш, транспорт ва коммуникациянинг янги коридорларини яратиш ва уларнинг хавфсизлигини сақлаш истиқболлари экспертларнинг таҳлил предмети бўлади. Марказий Осиё давлатларининг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан иқтисодий тиклаш ва ривожлантириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги масаласи конференциянинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан АҚШ, ЕИ, Япония ва бошқа бир қатор давлатлар, шунингдек, Халқаро валюта фонди, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлиги каби иқтисодий ҳамда мольвий структураларнинг Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ёрдамлари истиқболларини ва бу борадаги амалий

# МЕТАЛЛУРГАЛАРНИНГ ҒАЙРАТИ БАЛАНД

нинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бекободлик металлургия ташкилотлардан йилнинг биринчи чорагида режадагидан салкам тўрт ярим минг тонна кўп ичкиламчи металл хомашёси қабул қилиб олган эди. Бу эса мамлакат иқтисодиётида катта аҳамият касб этувчи корхонанинг барқарор ишлашини таъминлади. 116,9 минг тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 106,3 минг тонна тайёр металл прокати etkazиб берилди. Айни чоғда республика халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун қўрилиш арма-

туралари, кон-металлургия саноатида ишлатиладиган пўлат зўдирларни четдан келтиришга барҳам берилди. Бундай маҳсулотларни четга чиқариш, валюта захираларини иқтисод қилиш имконияти кенгайди. Апрель ойида корхона тарихида ilk бор 47 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. 13 миллион АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Айни пайтда комбинат тўла қувват билан ишлатилса, ойга 60-65 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Таъкидлаш жоизки,

«Ўзметкомбинат»га йилнинг биринчи чорагида ичкиламчи металл хомашёси топириши мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ортгани билан бажарилди. Лекин апрель ойида белгиланган режа удаланмади.

Ингилишда металл парчаларини қайта ишлашга топириши билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар олдида белгиланган жалвалга қатъий риоя этиши, апрель-май ойларидаги режани 1 июнга қадар бажариш вазифаси йўлида.

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ ШАХНОЗА МАТНАЗАРОВА).

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германиянинг Бремен федерал ери делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров билан учрашди.**

## БРЕМЕН ФЕДЕРАЛ ЕРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Сўхбат чоғида томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикрлашди. Ўзбекистон томони Бремен федерал ерининг Самарқанд вилояти шифохоналарига кўрсатаётган техникавий ёрдамига юқори баҳо берди.

Германиянинг Федерал кўнгилли ишчи санитарлар иттифоқи раиси Фриц Теппервиен бошчилигидаги мазкур делегация Ўзбекистонга ташрифи асосида Самарқанд вилоятида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Вилоят шифохоналарига қиймати 30 минг еврога тенг рентген ускуналари тақдим этилди.

Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таъини қилинган таъриф чоғида ўтказилган музокараларда Германияда самарқандлик шифокорлар малакасини ошириш, шовишнинг тиббий ёрдам бўйича техникавий кўмак таъминоти масалалари муҳокама қилинган.

Бремен делегацияси Республика шовишнинг тиббий ёрдам илмий марказида ҳам бўлди.

## КўКЛАМНИНГ ҲАР КУНИ ҒАНИМАТ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА МУХБИРИ).

Оққўрғон туманида виллоят қишлоқ ҳўжалигида ислохотларнинг амалга оширилиши ва баҳорги экиш мавсумининг бугунги аҳволига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда республика мутасалли ташкилотлари раҳбарлари, виллоят бошқармалари бошқаруви раҳбарлари ҳамда туман ҳўкимлари иштирок этиди.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

И.Жўрабеков бошқарди.

Ингилишда виллоятда иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Виллоят пахтакорлари кўклам ҳўвосининг инжиқликларига қарамай, шу кунгача режадаги 108 минг гектар майдонга чигит қадаб бўлди. Сўнгги кунлардаги кучли жала ва ёғин туфайли 19 минг гектарга яқин майдонга чигит қайталан экилди. Айни пайтда 84 минг гектар майдонда тўлиқ кўчат ундириб олинди. Чигит униб чиқ-

қан майдонларда ғўзага ишлов бериш ишлари бошлаб юборилди. Агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мингдан зиёд техника жалб қилинган.

Шу билан бирга, мавжуд ишчи кучи ва техникадан унумли фойдаланиш йўлида қўйилмагани туфайли айрим майдонларда бегона ўт босишига йўл қўйилмоқда. Бундай аҳволни виллоятнинг Бекобод, Уртачирчиқ туманларида, айниқса, кўп кўриш мумкин.

Ингилишда виллоят деҳқонлари олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишни самарали ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ингилишда виллоят ҳўкимси У.Мирзақулов иштирок этиди.

Газетада босилмади, аммо...

## Камчиликлар бартараф этилди



Қибрай тумани, «Тузел» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Баҳор» ва «Тузел» маҳаллаларида янговчи бир гуруҳ мекнаткашлар таҳририятимизга йўллаган мактубларида табиий газ, тоза ичимлик сув ва электр энергияси таъминотидаги камчиликлар ҳақида сўз юритишган. Бу ушбу муаммоларни жойида ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун шикоят хатини Қибрай тумани ҳўкимлигига юборганлик. Яқинда қўйилган расмий жавобни олдик:

«2003 йил 19 март кунини «Тузел» қишлоқ фуқаролар йиғини биносида туман ҳўкимси ва муовинлари, қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари ва оқоқоллари, «Қибрайгаз», «Қибрайсувоқова», «Қибрай электр тармоқлари» корхоналари раҳбарлари ҳамда тахта исм-шарифлари кўрсатилган фуқаролар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда шикоятномада айтилган камчиликлар бўйича тежор чоралар кўриб чиқилди.

Бугунча келиб, мазкур маҳаллаларни табиий газ ва электр энергияси билан таъ-

минлаш юмушлари ижобий ечим топган. Ичимлик сув муаммоси эса Т.Нормўхаммадов номидаги ширкат ҳўжалиги ва «Қибрайсувоқова» корхонаси билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Сабаби — ушбу ҳудудда сув тармоғи Тошкент шаҳридан тортилмоқда.

Қўнчилиқни таъминлаш тўғрисида масалалар барҳам топгани ҳусусида «Баҳор» ва «Тузел» маҳаллалари оқоқоллари ёзма равишда маълумот беришган.

**С. ТОШҲУЖАЕВ,**  
Қибрай тумани ҳўкимси».

## Бугуннинг гапи

# Қорақалпоғистон пахтачилигида аҳвол ўнгланадими?

Қорақалпоғистон Республикаси давлатга пахта сотиш шартнома режасини охириги марта 1993 йилда бажарган эди. Табиат инжиқликлари, сув тақчиллиги, бошқа сабаблар туфайли пахта етиштириш кескин камайиб кетди.

Ўтган йили ўртача ҳосилдорлик 9,8 центнерни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Ҳўжайида 9, Берунийда 8, Чимбой туманида эса арал 3 центнерга етди.

Хўш, Қорақалпоғистон пахтачилигида аҳволни ўнглаш, қоқоқликка барҳам бериш мумкинми? Мутахассисларнинг фикрича, мумкин. Бундай имкониятлардан бири Андижон тажрибаси асосида чигитни плёнка остига экишдир. Ўтган йили шу усулда 4334 гектар ерга урулгич қадалган эди. Бундай майдонларнинг ҳар гектаридан 21 центнердан қимматбаҳо хомашё йиғиштириб олинди. Бошқачасига айтганда, оддий усулда ғўза парвариши қилинганга нисбатан ҳосилдорликдаги фарқ 11,4 центнерни ташкил этди. Амударё тумани миришкорлари эса плёнка остига экилган ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олишга эришилди. Эллиққаллик деҳқонлар ҳам тармоқда туб бурилишни таъминлашга интилизмоқдалар. Туман ўтган йили, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Жаҳон банки лойиҳаси таллабларига биноан белгиланган квотага кўра, кам-



гидир. Ушбу муаммони ҳал қилиш билан бирга, ғўзани унумдор, шўрланмаган майдонларга жойлаштириш керак. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 августдаги қарорига кўра, жорий йилда Қорақалпоғистонда ғўза майдони 80 минг гектар, яъни аввалги йилларга нисбатан икки баравар кам қилиб белгиланди. Минтақадан қўйи қисмида жойлашган туманларни эса чорвачиликка яхтисолаштириш чоралари қўрилади.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам чигит экиш ишлари қизгин паллага кирган бир пайтда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарди, шунга қарамай, Амударё ва Эллиққалта туманларининг деҳқонлари плёнка остига чигит экиш режаларини удаладилар. Аммо айрим туманларда экиш ишлари сует борди. Ваҳоланки, апрель ойининг ўртаси ҳар қанчондан салқин келди. Бундай шaroитда андижонликлар тажрибаси жуда қўл келган бўларди.

Янгибой КўЧҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ИЛҒОР ТАЖРИБА — ҲАММАННИНГ МУЛКИ

Навоий виллоятида қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқаруving бозор тамойилларида мос ташкилий тузилмаларни татбиқ этиш борасида муайян ишлар олиб бориляпти. Айниқса, бу борада виллоятнинг Хатирчи туманида амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга лойиқдир.

## Ислохот ва самара

Ушбу туман қишлоқ ҳўжалигида сўнгги икки йил ичида сезиларли ўсиш рўй бергани кўзга ташланапти. «Яқун яхши бўлса, сарҳисоб осон», деган гап бор. Мана, ўтган йил натижаларини олиб кўрайлик. Фалла экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил кўтарилиди. Аҳмаджон Еркабаев номли, Эшмурод Абдиев номли, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида бу кўрсаткич 42 центнердан 51 центнергача етди. «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигининг пудратчиси Обид Сувонов 10 гектар майдондан гектар ҳисобига 65 центнердан сардон етиштирган бўлса, «Қўсарой» ширкат ҳўжалигидан Тўлқин Мирзев 76 центнерлик хирмон уйди. Ана шундай ютуқлар эвазига туман бўйича 41902 тонна ғалла етиштириш таъминланди.

Хатирчиликлар 2003 йили соҳада ҳосилдорликни янада оширишга аҳд қилинган. Бунинг учун об-ҳавонинг қулай келганлигидан фойдаланиб, баҳорги юмушларни оби-тобига ўтказишяпти.

## Миллионерлар

Бир юз элтик минг нафарга яқин аҳолиси бўлган туман-

да пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик сингари тармоқлар тобора ривожланиб борапти. Айниқса, деҳқончиликда фермер ва деҳқон ҳўжаликлари сони йил сайин ортмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 265 та ўрнига 345 та кичик ва ўрта бизнес субъекти ташкил этилган бўлса, уларнинг 230 таси фермер, 65 таси эса деҳқон ҳўжалигидир. Бу тизимни ривожлантириш учун 48,1 миллион сўм кредит ажратилди. Фақат фермер ҳўжаликлари уюмчаси жамғармаси ҳисобидан уларга 2,5 миллион сўм маблаб берилди.

— Бундай имкониятлар, шўбхасиз, туманда миллионер фермер ҳўжаликларининг пайдо бўлишига шароит туғдирмоқда, — дея ҳикоя қилди «Дўстлик» фермер ҳўжалиги ишчиси Жасур Райбуллаев. — Чунючки, биз меҳнат қилаётган Орзукул Саломон бошқик фермер ҳўжалиги қарамогида ҳозир 197 бош қорамол бор. 60 гектар майдонда озуқа экинлари — беда ва маккажўхори ўстирилишда. Манжуд 70 бош говмишдан соғиб олинган сутин болалар боғчалари, касалхоналар ва Оқшоҳ шаҳридаги кичик сўт заводида etkazиб бериляпти.

Ҳўжалигимизда 27 нафар киши ишлайди. 3 та «МТЗ-80», 1 та «Т-28» русумли трактор, шунча экскаватор ва «МАЗ» юк машинаси опримизнинг энгиз қилмоқда. Ўтган йили 5,8 миллион сўм соф фойда олдик.

Туманидаги илғор ҳўжаликлар ҳақида гап кетганда, — дейди депутат Эркин Турдиев, — Эшмурод Абдиев номли ширкат ҳўжалиги деҳқонларининг фишкорона меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу жамоа аҳли бултур 775 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтариб, режани 104 фоизга бажарди. 434 гектар ғалла майдонидан 2450 тонна дон етиштирилди. Ҳосилдорлик 56 центнерга етди. Эндиликда биз уларнинг тажрибасини барча ҳўжаликларда татбиқ этишга ҳаракат қилаёмиз. Чунки илғор тажриба ҳамманнинг мулкидир.

Туманида, шунингдек, ўтган йили санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси 140,8 фоиз бажарилди. Мавжуд корхоналарда 185 миллион сўмликдан ортқ халқ истеъмоди моллари ишлаб чиқарилиб, бу борада 6,2 фоиз

250 нафар ўқувчига мўлжалланган иккита таълим маскани қуриб битказилди. Қишлоқ касб-хўнар коллежи эса бор-йўли 4 ой ичида фойдаланишга топширилди. Унинг қурилишига 835 миллион сўм сарфланди. «Олтинсой» ширкат ҳўжалигидаги мактабларда, шунингдек, ўнлаб қўшма синф хоналари ҳашир усулида тикланди. Бундай мисолларни Пўлдан шоир номи, Мирзо Улуғбек номидаги ҳўжаликлардан ҳам келтириш мумкин.

Президентимиз тақлифи билан бошланган ташаббус — болалар спортини ривожлантириш йўлида, айниқса, Абдуҳалиқ Ҳалимов номидаги ширкат ҳўжалигида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу ердаги 28-мактабнинг спорт зали замонавий услубда таъминлангани кўнчаллик ҳавас уюлди. Қўнчаллик, ана шу йили эндиликда бошқа жамоалар ҳам қатъий киришқиллар.

Уқувчи ёшлар ўртасида «Китобсеварлар», «Сиз тарихни биласизми?», «Қўнқай байрами» ва «Умид ниҳоллари» сингари кўрик ва спорт танловлари ўтказилиши ҳам туман мактабларида таълим-тарбия ишлари савиясини оширишда катта роль ўйнапти. Яқинда «Кутубхона ва усмир китобхона» мавзусида ўтказилган виллоят семинар-кеңашини ёшлар қўлида китобга, билимга бўлган қизиқишини янада кучайтириб юборди, десам, муболаға бўлмайд.

Булариинг ҳаммаси туманда амалга оширилаётган ислохотлар самараси эканлигини бутун хатирчиликлар чуқур ҳис этмоқдалар. Ва ҳар бир фуқаро Хатирчининг истиқболли порлоқлигига, меҳнат аҳли оидин йўлдан бораётганига ишонч ҳосил қилмоқда. Бу йил уларга янги-янги ютуқлар олиб келини, хонадонларга фаровонлик бағишлаш аниқдир.

НОМОН САБДУЛЛАЕВ,  
Абдумуҳаммад НОРБОВ.

«Пилла - 2003»

## «Кумуш тола» ижодкорлари

Фарғонадаги «Пилла» наслчилиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси жорий йилда вилоят пиллакорларига 6000 кўти ипак кўрти етказиб беради. Ҳозиргача унинг асосий қисми тарқатилди. Бу йилги ипак кўрти маҳсулдор бўлиб, «Ипакчи-1», «Ипакчи-2», «Орзу» ва «Юлдуз» каби зотлардан иборат. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу янги зотлардан мўл ҳосил олиш кафолатланади.

**СУРАТДА:** жамият бошқаруви раиси Қамолiddин Соипов ва цех бошлиғи Азиза Ҳалимова уруғлик сифатини кўздан кечиришяпти.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.



Мардлар қўриқлайди Ватанни

## Танловдан ўтганлар аскар бўлишади

— Жисмоний тайёргарликнинг аъло даражада, энди танловнинг бошқа мезонлари бўйича синовдан ўтасан. Шояд орузлаганингдек десантчилар қисмида хизмат қилсанг, — деди Пахтакор тумани мудофаа ишлари бўлими масъул ходими майор Турсунали Холлиқов турникда 16 марта тортилган чақирилувчи.

Фурсатдан фойдаланиб, чақирув масалалари бўйича масъул бу зобитдан туманда мударрали ҳарбий хизматга фуқароларни касбий ва руҳий танлаш қандай бораётганини сўрадик.

— Дастлаб ота-оналар, чақирилувчилар томонидан бу борада кўплаб саволлар бўлди. Ҳатто улар орасида тушунмовчиликлар бўлгани ҳам рост. Шу боис биз мазкур танлов жараёни хусусида кўргазмаларни воситалар тайёрладик. Маҳалла кўмиталари ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бордик. Ҳар қандай ян-

гиликни ҳам бирдан жорий этиб бўлмайди. Хуллас, чақирилувчилар, ота-оналар танлов моҳиятини тушунган, ишларимиз олга силжиди. Ҳатто яқиндагина ҳарбий ҳисобда турган ўсмирлар танлов мезонлари билан қизиқа бошлагани фикримиз исботидир. Бундан ташқари, чақирув олдидан "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун моҳиятини халқимизга кенг тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Бақувват, нургул, 16 марта турникда тортилган чақирилувчи билан танишиб, бироз суҳбатлашдик. Беҳзод Тўғонов Пахтакор туманидаги касб-хунара коллежини тугатган. Қуролли Кучлар сафарида хизмат қилиш иштиёқида юрган бу йигитнинг тайёргарлик даражаси юқори.

— Танловда саломатлигимиз, билим, интеллектуал даражамиз, жисмоний тайёргарлигимиз, ижтимоий аҳволимиз, руҳий ҳолатимизга ало-

ҳида эътибор қаратишади. Мана, ҳозир жисмоний тайёргарликдан муваффақиятли ўтдим. Ишонч билан айтишимга сабаб, белгиланган масофага қанча мударра югурсам, юқори балл олишимни ёки турникда неча бор тортилсам, юқоқ натижага эришимни билман. Чақирилувчиларнинг бундай тарзда танлаб олиниши ҳар томонлама яхши. Масалан, эртага йигит армия сафига борса, хизмат қийинчиликларини осон бартараф этиб, тез кўникма ҳосил қилади. Замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланишни тез ўрганиб олади. Илгари қўшни маҳалламиздан бир йигит армияга кетиб, но-соғломлиги учун қайтиб келганди. Очиги, у роса эзилиб, қийналиб юрди. Мана, энди танлов бор. Бундай ҳолатлар умуман бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳўш, бундай янгиликнинг, чақирилувчи танлов асосида ўтказишнинг нима зарураги

бор эди? Бу саволга Президентимизнинг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва оёсайишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" китобидан жавоб топиш мумкин: "Армиямиз сафаридаги ўғонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юқоқ ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим". Шунингдек, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунда чақирилувчининг тиббий кўрикдан ўтказиш, унинг маънавий ва касбий фазилатларини, шунингдек, оила аъзоларининг моддий ва ижтимоий аҳволини ўрганиш натижаларига мувофиқ чақирув комиссиялари қарор чиқариши ҳақида гап боради. Кундалиқ жанговар ҳаётда,

аскар нишонга беҳато отиши, жисмоний машғул-лотларда юқоқ натижаларга эришиши мумкин. Аммо замонавий армияда бу фазилатлар камлик қилади. Масалан, қоровуллик хизматини ўтаётганда аскарнинг руҳий ҳолати барқарор бўлмаса, фавқулодда вазиятларда қарор қабул қилишга шошиб қолади. Ёки интеллектуал даражаси юқори бўлмаса, қандай қилиб замонавий ҳарбий техника, қурол-аслаҳа сир-асорларини пухта ўрганади?

Ҳар қандай янгилик ҳам ҳаётга бирдангина синиб кетмайди. Шу боис дастлабки пайтлар андак тушунмовчиликлар бўлиши мумкин. Бироқ шуни таъкидлашни истардикки, чақирувнинг танлов асосида ўтаётгани айрим но-хотисликларга чек қўйиб, сараларнинг сараси армия сафарида йўл олишига замин яратмоқда. Агар йўлингиз тушиб, чақирув участкаларига бориб қолсангиз, айни пайтда гавжумликни кўрасиз. Бу ҳудди абитуриентларнинг тест натижалари эълон қилингандаги гавжумлигига ўхшайди. Армия сафарида жўнаш учун етарли балл тўплай олганми, йўқми дея, ҳатто чақирилувчининг ота-онаси-да ҳаяжонда.

Капитан Алижон С.ҒАФОРОВ.

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар




### Чеченистондаги кўпорувчилик

Чеченистоннинг Надтеречний туманидаги маҳаллий маъмурият ва федерал хавфсизлик хизмати биносининг портлатилиши оқибатида 30 киши ҳалок бўлди ва 70 нафардан зиёд киши яраланди, деб хабар беради "Lenta.ru".

Чеченистон Хавфсизлик кенгаши котиби Рудник Дудаевнинг маълумотига қараганда, ҳодиса Знаменское станицасида юз берган. Дастлабки хабарларга кўра, бинога портловчи модда юк-ланган "КамАЗ" автомобили келиб урилган.

### Лойиҳа муҳокама қилинмоқда

БМТ ХК АҚШ томонидан тайёрланган Ироққа нисбатан барча савдо-сотиқ ва молиявий санкцияларни бекор қилувчи резолюция лойиҳаси бўйича маслаҳатлашувлар бошлади. Ҳужжатда



санкцияларни бекор қилишдан ташқари махсус "Ироққа ёрдам жамғармаси"ни таъсис этиш ҳам кўзда тутилган. Ироқ нефть ва газининг экспортидан келган маблағлар шу жамғарма ҳисобига тушиши режалаштирилган. Резолюцияда шунингдек, БМТнинг "Нефть эвасига озиқ-овқат" дастурини тўрт ой мобайнида босқичма-босқич қисқартириш ҳамда БМТ Бош котибининг Ироқда инсонпарварлик фаолияти юритувчи ва мамлакат тикланишини мувофиқ-

лаштирувчи махсус вакилини тайинлаш ҳам қайд этилган.

### Ғазо яна ёпилди

Исроил армияси Ғазо секторини тўлиқ ёпиб ташлади. Фаластинликларнинг Исроилга ва яхудийлар яшовчи ҳудудларга кириши учун блокпостларнинг барчаси кучайтирилди, деб хабар беради "Newsru.com". Бунга экстремистлар томонидан Исроил ҳудудида кўпорувчилик уюштиришга тайёргарлик кўрилатгани ҳақидаги разведка маълумотлари сабаб бўлди.



### Литвада референдум ўтказилди

Литвада Европа Иттифоқига кириш тўғрисидаги референдум бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларга кўра, ЕИГА аъзо бўлишни мамлакат фуқароларининг 91,4 фоизи қўллаб-қувватлади, 9,5 фо-



изи эса қарши овоз берди, деб хабар қилади "Newsru.com".

### Яқин маслаҳатчи қўлга олинди


Афғонистон пойтахтида толиблар режимининг етакчиларидан бири, полиция бошлиғи ўринбосари Сайдулло Ҳоқоний ҳибсга олинди.

Покистоннинг "The Pakistan observer" газетасининг хабарига кўра, Ҳоқоний "Толибон" ҳаракатининг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Газетада маълум қилинишича, Ҳоқоний полиция раҳбариятидан ташқари Кобул судьяси бўлиб ҳам ишлаган.

GSM UZDUNROBITA first cellular

# ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ НАВОИЙДА!

ШАҲАРЛАРАРО ҚўНҒИРОҚЛАР



МАҲАЛЛИЙ ҚўНҒИРОҚЛАР

ЯҚИНДА! Plus

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЯНГИ ХИЗМАТИ

## ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚўНҒИРОҚЛАР МАҲАЛЛИЙ ҚўНҒИРОҚЛАРДЕК НАРХЛАНАДИ

Кечая кундуз маълумотлар хизмати: 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 "uzdunrobita" ҚК телефонларидан-611

тошкентдаги сервис маркази маназили: устон юсупов кўчаси, 16 - уй ["лабзак"]. www.uzdunrobita.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

